

**Вилоят ҳокими
Ғофуржон МИРЗАЕВнинг
Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари
куни тантанасида сўзлаган нутқи тезиси**

2017 йил 26 сентябрь

Гулистон ш.

**Ассалому алайкум, ҳурматли
юртдошлар!**

**Ватанимиз, элимиз, хавфсизлигимизнинг
азиз ҳимоячилари!**

**Касб байрамларингиз билан ўз
номимдан, вилоят ҳокимлиги,
халқимиз номидан чин юракдан
самимий табриклайман. Сизларга
узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
машаққатли ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилайман.**

**Юртимиз - тинч, мамлакатимиз -
мустақил, унинг фуқаролари эркин
шахс бўлиши учун хавфсизлик сув
билан ҳаводек зарур. Сизлар ана шу
йўналишда фаолият кўрсатиб**

келаяпсизлар. Ва бугун бизга ана шундай шарт-шароит, имконият яратиб берилгани учун аввало, Юртбошимиз, ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёевдан ҳамда сизларнинг ҳар бирингиздан беҳад миннатдормиз.

Эски тузумдан бутунлай воз кечилиб, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришганимизда ҳар бирингизнинг муносиб улушингиз бор. Бунини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Кўз юммаймиз, шўролар даври авторитар ва тоталитар тузум эди. Биз бу тузумдан воз кечдик, қутулдик. Янги замонга ўтишимиз, уни ўрганишимиз, кўникишимиз ҳам осон бўлмади. Мустақил давлат Конституцияси, янги қонунлар қабул қилинди, ана шу қонунларга итоат

этиш, уларни ижро этиш керак эди. Бу ишда ҳам сизларнинг ёрдамингизга суяндик. Хурсанд бўладиган жойимиз шунда эдики, халқимизда ғурур, ор, номус, шунинг билан биргаликда ҳуқуқ бор эди. Мустақилликни мустаҳкамлашимиз, буюк келажакни қура олишимиз шундан эди. Бунда ҳам сизларни фидойиликларингизни алоҳида қайд қилгим келади.

Миллий хавфсизлик хизмати тизими мустақиллик йилларида ўсди, ривожланди, камол топди. У олдинги тузум тизимидан бутунлай фарқ қилади. Унинг ҳам шакли, ҳам мазмуни тубдан ўзгарди. Истиқлол йўли ўзига хос, ўзига мос бўлганлиги, мазкур тизимда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Танлаган йўлимиз қанчалик тўғри эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди, исбот этди.

Азиз юртимиз фидойилари!

Сизлар мамлакатимиз ва халқимизнинг адолат мезонисиз ва шундай бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шундай сўзлар бор: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. Ана шу олий қадриятларни шаклланишида ҳам сизларнинг улушларингиз борлиги учун сизлардан миннатдормиз.

Сизлар туфайли чегараларимиз хавфсиз, сизлар туфайли миллатимизнинг келажаги фаровон, сизлар туфайли юртда тинчлик, сизлар туфайли халқимиз эмин-эркин ҳаёт кечириб, меҳнат қилмоқда. Мана

**шунинг ўзи катта бахт эканлигини
ҳаммамиз тушунамиз.**

**Сизларни касб байрамларингиз
билан чин юракдан самимий қутлаб,
ана шу машаққатли ва шарафли ишда
ҳормай-толмай меҳнат қилишингизда
улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

**Эътиборларингиз учун катта
рахмат.**